

Н.К. Ризаев,  
иқтисод фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Республикаси  
Банк-молия академияси

## ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ КИРИМГА ОЛИШ ҲИСОБИ

Жаҳон мамлакатларининг глобаллашуви жараёнида Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларни кучайтириш, уларни янги, янада юқори босқичга кўтариш устувор вазифа қилиб белгиланган. Бу вазифаларнинг ижросини сўсиз таъминлаш провардида Ватанимиз тараққиётини янада юксалтириш ва халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилган бўлиб, бунда хал қилувчи омил сифатида интеллектуал мулк муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунга келиб, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса, бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар.

Хурматли Юртбошимиз Ислом Каримов томонидан қуйидагилар таъкидлаб ўтилган эди: “... иқтисодиётимиз яқин йиллар ичida янада барқарор, ўзига бақувват, жаҳон ва минтақавий бозорларда рақобатдош бўлмоғи учун иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш бўйича ҳали қўп иш қилиш лозимлигини ҳам биз ўзимизга яхши тасаввур этамиз”<sup>1</sup>.

Бундай улкан ва масъулиятли вазифаларни амалга ошириш учун хўжалик субъектларида интеллектуал мулк объектларини ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда интеллектуал мулк объектлари республикамиздаги бухгалтерия ҳисоби тизимининг янгича бир қўринишга эга бўлган маблағлари (узоқ муддатли актив) сифатида намоён бўлмоқда. Республикаизда сўнгги йилларда 10 мингга яқин интеллектуал мулк объектлари - ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари, ЭҲМлар учун дастурлар, маълумотлар базалари, селекция ютуклари рўйхатга олинган ва олинмоқда.

Маълумки интеллектуал мулк объектлари бухгалтерия ҳисобининг узоқ муддатли активлари, яъни номоддий активлар сифатида тан олинади. Номоддий активлар - ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ва товарларни сотиш жараёнида фойдаланиладиган, моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган мол-мулк объектлар бўлиб, қуйидагилардан ташкил топади:

*биринчидан*, интеллектуал мулк объектлари (*Intellectual Property*);

*иккинчидан*, ташкилий харажатлар (*organization costs*);

*учинчидан*, гудвилл (*goodwill*).

Ўзбекистонда интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий-меъёрий базаси шакллантирилган. Шунингдек, унинг ҳисобини юритиш бўйича бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси

<sup>1</sup> Каримов И.А. Асосий вазифамиз-Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

Фуқаролик кодексида интеллектуал мулк қуйидаги учта гурухдан ташкил топиши белгилаб қўйилган:

1. Интеллектуал фаолият натижалари бўйича: фан, адабиёт ва санъат асарлари, ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари, электрон ҳисоблаш машиналари (бундан буён матнда ЭҲМ деб юритилади) учун дастурлар ва маълумотлар базалари; ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари ва селекция ютуқлари, ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау).

2. Фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар бўйича: фирма номлари, товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари), товарлар чиқарилган жой номи.

3. Интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар<sup>2</sup>.

Шунингдек, интеллектуал мулк шаклланиш ва фойдаланиш соҳалари бўйича маънавий (гуманитар) ва моддий (ашёвий) кўринишда бўлиши мумкин (1-расм).

Интеллектуал мулк (Интеллектуал мулк обьектлари)		
<i>Соҳалар</i>		
Шаклланиш бўйича:		
Маънавий (гуманитар)		Моддий (ашёвий)
Фойдаланиш бўйича:		
Ноишлаб чиқариш		Ишлаб чиқариш
<i>Категориялари</i>		
Фалсафий	Хуқуқий	Иқтисодий

### 1-расм. Интеллектуал мулкнинг шаклланиш ва фойдаланиш соҳалари.

Солиқ кодексида эса мазкур обьектларни бухгалтерия ҳисобининг обьекти сифатида ёндашилади: мол-мулк – эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш обьектлари бўла оладиган ....номоддий обьектлар<sup>3</sup>.

Мазкур интеллектуал мулк обьектларига эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритган хўжалик субъектлари улардан ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш), товарларни сотиш ва бошқарув жараёни (маъмурий функциялар)ни амалга оширишда фойдаланади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ушбу обьектлар бухгалтерия ҳисобининг узоқ муддатли активлари (маблағлар) сифатида акс эттирилмоқда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси: (2011 йил 1 июлигача бўлган ўзгариш ва кўшимчалар билан) Рамий нашр - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. - Т.: Адолат, 2011 й. 8-боб, 97-модда, 59-боб 1031-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. ЎзР 25.12.2007 й. ЎРҚ-136-сон қонуни билан тасдиқланган. 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга кирган. 22- модда.

Интеллектуал мулк объектлари		
Интеллектуал фаолият натижалари бўйича		Товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар бўйича
фан, адабиёт ва санъат асарлари, ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ва эшилтиришлари	ошкор этилмаган ахборот (ноу-хау).	фирма номлари
	ишлаб чиқариш сирлари	товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари)
электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базалари ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари ва селекция ютуқлари.	савдо сирлари	товарлар чиқарилган жой номи.
	бошқарув сирлари	

## 2-расм. Интеллектуал мулк объектларининг таркиби.

Юқорида баён этилганидек, интеллектуал мулк объектлари бухгалтерия ҳисобида номоддий активлар кўринишида қабул қилинади. Фикримизча, ушбу активлар субъектнинг узок муддатли активлари сифатида қўйидаги шартларга жавоб бериши керак деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, моддий-ашёвий тузилишга (*жисмоний кўринишига*) эга бўйласлиги;

иккинчидан, интеллектуал мулклардан маҳсулот (ишлар, ҳизматлар)ни ишлаб чиқариш ва бошқарув вазифаларини амалга оширишда узок муддат ҳизмат қилиши (*бир йилдан ортиқ*);

учинчидан, субъект томонидан интеллектуал мулкни кейинчалик қайта сотишни мўлжалламаслиги (*агар қайта сотишга мўлжассаланса, товар кўринишини олади*);

тўртинчидан, ушбу интеллектуал мулк актив сифатида ишончлик бўлиши (*патентлар, гувоҳномалар ва бошқа муҳофаза қилувчи ҳужжатларнинг мавжудлиги*);

бешинчидан, интеллектуал мулкларни субъектнинг бошқа маблағлари(активлар)дан алоҳида ажратиш имконияти мавжудлиги (*индентификация қилиниши*).

Интеллектуал мулк объектларининг бошланғич қиймати уларни яратиш (ишлаб чиқиш), харид қилиб олиш харажатлари ва фойдаланиш учун ишга яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ бошқа харажатлардан ташкил топади<sup>4</sup>.

<sup>4</sup> “Номоддий активлар” 7-сон БХМС, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2005 йил 25 марта гаги 35-сонли буйруғи билан тасдиқланган. “Интеллектуал мулк объектларини аниқлаш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги” Низом, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2009 йил 22 апрель 01/19-18/08-сонли қарори билан тасдиқланган.

Интеллектуал мулк субъект балансига қуйидаги йўллар билан олиниши (келиб тушиши) мумкин:

- субъектнинг ўзида яратиш (ишлаб чиқиш) асосида (*яратилган объектни қабул қилиш-топшириши*);
- харид қилиб олиш асосида (*олди-сотди шартномаси бўйича*);
- устав капиталига хисса қўшиш асосида (*муассисларнинг улуши кўринишида келиб тушиши*);
- текинга келиб тушиш бўйича (*ҳадя шартномаси бўйича*);
- давлат субсидиялари ҳисобига олиш (*ёрдам тариқасида*);
- айирбошлаш асосида (*бошқа активларга алмаштириш*);
- инвентаризация натижаси бўйича (*ортиқча ёки ҳисобга олинмаган интеллектуал мулк объектларини аниқлаш*).

Юқорида таъкидланганидек, интеллектуал мулк объектлари бухгалтерия балансига бошланғич қиймати бўйича қабул қилинади (“Бухгалтерия баланси” 1-шакл, “Номоддий активлар” деб номланган 020-сатр). Чунки баланснинг “Узоқ муддатли активлар” бўлимида номоддий активлар, жумладан интеллектуал мулк объектлари бошланғич (тиклаш) қиймати, эскириш (амортизация) суммаси, қолдиқ қиймати бўйича ошкор этилиши керак<sup>5</sup>.

Бунда тўловлар эвазига сотиб олинган интеллектуал мулк объектларининг бошланғич қиймати қуйидаги харажатлардан ташкил топади: шартномага асосан ҳуқуқ эгасига тўланган суммалар, рўйхатдан ўтказиш йигимлари, давлат божлари, патент божлари, божхона божлари ва йигимлари, тўланадиган солиқлар ва йигимлар, ахборот ва маслаҳат хизматлари учун тўловлар, воситачиларга тўловлар ҳамда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ бошқа харажатлардан иборат (1-жадвал).

Интеллектуал мулк объектларининг дастлабки қиймати шаклланишида бухгалтерия бошланғич ҳужжатлари муҳим аҳамият касб этади. Бунда интеллектуал мулк объектларини тасдиқловчи ҳужжатлар: патент, лицензиялар, гувоҳномалар, мулкий ҳуқуқларни корхонанинг устав сармояларига ўтказиш ҳақидаги таъсис ҳужжатлари, корхона ва интеллектуал мулк объектларининг ишлаб чиқувчилари ўртасидаги шартномалар ёки муаллифлик шартномалари, интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар бепул топширилишида қабул қилиш-топшириш далолатномалари бўлиши мумкин.

#### 1-жадвал

#### “THE GREAT DREAM” компаниясининг бухгалтерия баланси (минг/сўм).

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Йил бошига	Йил охирига
1	2	3	4
АКТИВ			
Номоддий активлар: Бошланғич қиймати (0400)	020	32 273	39 374

<sup>5</sup> Бухгалтерия баланси. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (15-сон БҲМС). ЎРМВ 2003 йил 12-мартдаги 45-сон бўйруғи билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 20 марта 1226-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

**1-жадвал давоми**

1	2	3	4
Амортизация суммаси (0500)	021	14 662	20 995
Қолдик (баланс) қиймати (сатр 020-021)	022	17 611	18 379
1-бўлим бўйича жами (сатр 012+022+030+090+100+110+120)	130	85 590 241	61 414 140
Баланс активи бўйича жами (сатр 130+390)	400	250 278 679	256 878 752

Интеллектуал мулк обьектнинг балансга олиниши тартибини қуидаги мисол орқали кўриб чиқамиз. Масалан, “The Great dream” компаниясининг 2011 йил 1 январ ҳолатига бўлган молиявий ҳисоботларида 31600,0 минг сўм қийматига teng бўлган интеллектуал мулк обьект (номоддий актив) мавжуд. Ушбу обьект дастурий таъминот кўринишига эга. Бу “The Great dream” компанияси билан “Инновация ва информатизациялаш бўйича тармоқлараро стратегик Марказ” ўртасида тузилган шартномасига мувофиқ ишлаб чиқилган эди.

Харид қилиган дастурий таъминот компания балансига қабул қилинади. Дастурий таъминотни қабул қилиб олиш (келиб тушиши) билан боғлиқ жараёнларга корхона бош бухгалтери томонидан қуидаги бухгалтерия проводкалари билан расмийлаштирилади.

*1. Дастурий таъминотни таъминотчидан харид қилиб олиниши (Кўшилган қиймат солиги - КҚС сиз):*

Дебет: 0830 – “Номоддий активларни харид қилиш” счёти - 31600,0 минг сўм.

Кредит: 6010 – “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар” счёти - 31600,0 минг сўм. (шартномага мувофиқ)

*2. Дастурий таъминотни “The Great dream” компаниясининг балансига олиниши:*

Дебет: 0430 – “Дастурий таъминот” счёти - 31600,0 минг сўм

Кредит: 0830 – “Номоддий активларни харид қилиш” счёти - 31600,0 минг сўм (далолатномага мувофиқ).

*3. Дастурий таъминот бўйича таъминотчидаги қарздорликнинг қопланиши:*

Дебет: 6010 – “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар” счёти - 31600,0 минг сўм

Кредит: 5110- “Ҳисоб - китоб счёти” - 31600,0 минг сўм (тўлов топшириқномага мувофиқ).

Юқоридаги бухгалтерия проводкалари компаниянинг айланма қайдномасида ўз аксини топади (2-жадвал):

**2-жадвал**

**“The Great dream” компаниясининг айланма қайдномаси\***

Счёт		Хисобот даври бошига қолдик		Хисоб давридан айланышлар		Хисобот даври охирига қолдик	
Рақами	Номи	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит
0430	“Дастурый таъминот”	31600000	-	-	-	31600000	-
0530	“Дастурый таъминот амортизацияси”	-	3686666	-	-	-	3686666

\*Айланма қайдномадаги маълумот фақат номоддий активлар бўйича олинган.

Жадвал маълумотларига кўра, компания томонидан харид қилиб олинган интеллектуал мулк (дастурый таъминот) обьекти бўйича ҳисобот даврининг бошига амалдаги Солик кодексига мувофиқ (144-модда) амортизация ажратмаси (3686666 сўм) ҳисобланган. Афтидан, компания амортизация суммасини (“Ҳисоб сиёсати”га асосан) дастурый таъминотдан фойдаланишнинг юқоридаги шартнома билан боғлиқ унумли муддатидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширган бўлиши мумкин. Сабаби унумли фойдаланиш муддати тўлиқ беш йил олинганида (компания фаолиятидан ортиқ бўлмаган ҳолда) эса, амортизация суммаси 2010 йил учун 11060000 сўмга teng бўлар эди ((31600000 сўм / 60 ой) x 7 ой). Ёки компания томонидан амортизацияни ҳисоблашда ҳалқаро тажрибага асосан “Яrim йиллик конвенсия” усулини ҳам қўллаши мумкин<sup>6</sup>.

“Номоддий активлар” (БХМС -7 ) деб номланган миллий стандартда эса, интеллектуал мулк номоддий активларнинг таркиби киритилган ҳолда, улар бошланғич қиймат бўйича қабул қилиниши ва юқорида келтирилган харажатлар асосида белгиланиши кўрсатилган<sup>7</sup>.

Умуман, интеллектуал мулк обьектлари ҳисоби бўйича асосий муаммолар сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин:

*биринчидан*, бухгалтерия ҳисобининг обьекти сифатида интеллектуал мулк обьектларнинг туркумланиши;

*иккинчидан*, интеллектуал мулк обьектларининг келиб тушишини ҳисобга олишда дастлабки ҳужжатлаштириш;

*учинчидан*, интеллектуал мулк обьектларининг бошланғич қийматини шакллантириш;

*тўртинчидан*, интеллектуал мулк обьектлари билан боғлиқ солик тўловлари;

*бешинчидан*, интеллектуал мулклардан фойдаланишда уларга амортизация (ҳисоблаш)ни татбиқ этиш;

*олтинчидан*, интеллектуал мулк обьектларини корхона маблағлари сифатида уларнинг инвентаризациясини ташкил этиш;

<sup>6</sup> “Номоддий активлар” МХХС (IAS) 38, 1998 йил 1 январ.

<sup>7</sup> “Номоддий активлар” 7-сон БХМС, 13-банд.

еттинчидан, молиявий ҳисботларнинг ишончлилигини таъминлаш мақсадида интеллектуал мулкларни ҳисботларда акс эттириш ва ҳоказо.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, республикамиизда глобал молиявий инқироз таъсирини камайтириш ва унинг оқибатларини бартараф этиш ҳамда иқтисодиётни модернизациялашда интеллектуал мулк обьектлари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоб сиёсатини шакллантириш, ҳар қандай фойдаланувчи учун тушунарли бўлган ва самарали бошқарувни таъминловчи молиявий ҳисботларни тузишда ҳисобнинг муҳим обьектларидан бирига айланади.